

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

10.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

Икромхонова Феруза (ТТЕСИ, педагогика фанлари номзоди, доцент)
ТАРИХИЙ АСОС ВА ЖАНРИЙ МУАММО

Аннотация. Мақолада адабиётшуносликда долзарб ҳисобланган тарихий асарлар жанри муаммоси “Тўмарис” асари мисолида кўрсатилади. Бунда тарихий асарлар учун олинган манбаларни бадий асар билан солиштириш, ундан ҳам олдинроқ эса асосий манбанинг ўзини бадий-эстетик нуқтаи назардан таҳлил этиш орқали илк манбанинг вазифасини аниқлаш ҳақида фикр юритилган.

Аннотация. Статья иллюстрирует проблему жанра исторических произведений, которая актуальна в литературе, на примере произведения «Томарис». Идея состояла в том, чтобы сравнить источники, полученные для исторических произведений, с произведением искусства, а еще раньше определить функцию первоисточника, проанализировав сам основной источник с художественной и эстетической точки зрения.

Annotation. The article illustrates the problem of the genre of historical works, which is relevant in the literature on the example of the work “Tomaris”. The idea was to compare the sources obtained for historical works with a work of art, and earlier to determine the function of the source, analyzing the main source itself from an artistic and aesthetic point of view.

Калим сўзлар: Тўмарис, Геродот, композиция, образ, жанр, ривоят, достон, тарихий воқеа, тарихий асар.

Ключевые слова: Томарис, Геродот, композиция, образ, жанр, легенда, эпос, историческое событие, историческое произведение.

Key words: Tomaris, Herodotus, composition, image, epic, historical event, historical work.

Бир тарихий воқеа-ҳодиса ёки шахсга турли йилларда қайта ва қайта мурожаат қилиш адабиётнинг давр ва замонга ҳамнафас равишида ўзгариши натижаси бўлиб, инглиз олими Б.Мэтьюз буни қуйидагича изоҳлайди: “Тил секин-асталик билан ўзгаради ва унинг билан бирга муаллифнинг ўз даврида гуллаб-яшнаган меҳнати ҳам йўқолади. Агар шундай бўлмаганда эди, яратишнинг даҳвий қудрати оламни қўйган ва идрок адабиётнинг чексиз лабиринтларида аклдан озган бўлар эди”.¹ Бу ерда олим адабий меҳнат йўқолиши ҳақида сўзлаганда, бироз ошириб юборгандек туюлади, бироқ иккинчи гапда у ижодкордаги яратиш қудрати ўқувчидан ҳақиқий оламни тўсиб қўйиши мумкинлигини ва инсон идрок адабиётнинг лабиринтлари аро қолиб, ҳақиқий гўзалликдан баҳра ололмаслигини таъкидлайди. Бу эса ҳар бир даврнинг ўзига яраша бадий-эстетик гўзаллиги, ҳаётга, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга, тарихга ўзига хос ёндашуви шаклланишига ишора қилади. Бу эса ўзбек адабиётида Тўмарис номи билан боғлиқ ривоят, достон, эссе, шеър, ҳикоя, қисса, роман каби асарларнинг яратилганини изоҳлайди. Қизиғи, уларнинг барчасидаги воқеалар ўзаги, асосан, Геродотнинг “Тарих”и китобида келтирилган тарихий маълумотга асосланади.²

Геродот ўз асарида Мидия ва унинг подшоҳлари тарихи ҳақида сўз юритаётиб, Кирнинг тахтга чиқиши, давр суриши ва кулаши ҳақида сўз юритганда Тўмарис ҳақидаги хабарни келтиради. Қизиғи, бу хабарни ўзбек адабиётшунослигида турли жанрларга мансублигини қайд этилган. Жумладан, Ходи Зарипов ўз мақоласида қуйидагиларни қайд этади: “Ўзбек халқ оғзаки ижодида шак ва массагет эпоси (таъкид бизники – Ф.И.), уларнинг қаҳрамонона жасоратлари мадҳ этилган кўхна достонларининг қолдиқ холда етиб келган рудиментлари сақланганлиги бежиз эмас. Хусусан, «Ойсулув» ёки «Кунботир» достонида тасвирланган воқеалар милоддан бурунги VI асрда рўй берган тарихий ҳодисаларнинг бадий инъикосидир. Бу достон сюжети Геродот «Тарих»ида келтирилган қадимий қиссалардан бири – массагетларнинг подшо Кир бошчилигидаги босқинчи-ларга қарши курашига бағишланган эпик ҳикояларга ўхшаб кетади. Буюк муаррих нақл қилган бу қиссанинг айрим мотивлари ўзбек бахшилари репертуаридаги бошқа достонларда ҳам учрайди”.³ Мазкур парчада Тўмарис ҳақидаги воқеа “эпос”, “достон”, “ҳикоя”, “қисса” дея аталганига гувоҳ

¹ Matthews B. Essay Americans. 1914. www.bartleby.com

² Геродот. История. Перевод и примечания Г. А. Стратановского. Л., «Наука», 1972, с. 604.

³ Зарифов Х.Т. Аршақ – Шақ қаҳрамони. XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология (матн). Тузувчилар: О.Тўлабоев ва бошқа. Т., O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017, 36-бет.

бўлинди. Н.Раҳмонов, Ҳ.Болтабоев, Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқовлар қисса, афсона, К.Имомов тарихий ривоят, Т.Қўқоров эса ривоят деб аташган.

“Тарих” асарини нашрга тайёрлаган таҳририят аъзолари мазкур асар, дастлаб, “Адабий ёлгорликлар” туркумида нашрга тайёрлангани, сўнгра тарихнависларга берилганини, дарҳақиқат, асарда тарихий-бадийлик мавжудлигини эътироф этишади.¹ Геродот, ўз асарининг кириш қисмида ёзилган маълумотларни “одамлардан сўраб-суриштириш натижасида аниқланган хабарларни баён қилиш”, “инсон ишлари, инсон фаолиятининг умумий натижалари, ютуқлари” деган маъноларда қўлайди.² Яъни, унда хабарларни, тарихий шахслар ҳақидаги воқеанинг оғзаки шаклидан олиб, қоғозга туширган. Аммо Тўмарис ғалабасини баён қилган хабар сўнгида ҳикоя деб кўрсатади: “Менимча, Кирнинг ўлими ҳақидаги қўплаб ҳикоялардан энг ишончлиси шунисидир”.³ Бу ерда Кирнинг ўлими ҳақида бошқа ҳикоялар ҳам борлиги, халқ орасида турли вариантлар мавжудлигини билдирса, улар орасида энг ишончлиси шу эканлиги, мазкур манбаининг нисбатан ишончли эканлигини кўрсатади, чунки бундан ортиқ ҳақиқатга яқин манба ҳозирча топилмаган.

Демак, Геродот ўз асаридаги воқеаларни “хабарлар” дея баҳолайди ва уларга махсус рақам қўйиб чиқади. Халқ орасида Кирнинг енгилиши билан боғлиқ тарихий воқеа ривоят тарзида мавжуд эди. Бу ерда кишилар орасида тилдан тилга қўчиб юрган ҳикоя назарда тутилганини ва Тўмарис тарихий шахс бўлиб, у билан боғлиқ воқеалар турли шаклларда мавжуд бўлганини инобатга олиб, тарихий ривоят, дейиш мумкин. Чунки афсона дейилганда унинг мифга ёки ғайритабиий кучга алоқаси бўлиши лозим эди. Бу ерда эса унинг тарихий асоси бор, бироқ мифик тафаккур унсурлари йўқ, яъни, Тўмарис реал шахс, ғайритабиий қудратга ёки яратилишга эга эмас.

Ходи Зариф илгари сурган “эпос”, “қисса” атамалари ҳақида эса шуни айтиш мумкинки, биринчидан, кенг маънода оғзаки наср эпос дейилади. Иккинчидан, “Тарих”га сак-массагетлар яшаган юрт, унинг жойлашуви, табиати, одамлари, урф-одатлари, келиб чиқиши ҳақидаги қўплаб маълумотлар киритилганки, уларни яхлит ҳолда олиб улкан эпоснинг рудиментлари (қисм) турли ўринларда муаллифнинг мақсадини ифодалаш мақсадида ишлатилган, дейиш мумкин.

Бўлиб ўтган ҳар қандай воқеани, масалан, Машраб ҳақидаги воқеаларни “Девонаи Машраб қиссаси”, пайғамбарлар ҳақидаги воқеа ва оғзаки ҳикояларни “Пайғамбарлар қиссаси” дейилган. Шу маънода “эпос”, “қисса”, “ҳикоя” дейилгани ҳам хато, бироқ афсона ёки ривоят эмас, балки тарихий ривоят жанрига оид дейиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки “сюжет тузилиши содда, ихчам, ягона планли бўлиб, ҳаётий реал ҳодисаларга асосланган, фантастик элемент, сирли воситалар учрамайди, конфликт ечимида жасурлик ва жанговарлик етакчи, реал жанг эпизодлари бўртирилган, ҳаётий уйдирмалардан ташкил топган”.⁴ Бундан ташқари, тарихий ривоятда воқеалар иштирокчилари конкрет кишилар бўлиб, улар аниқ макон ва замонда яшаган бўлишади. Уларда афсонадаги каби ғайритабиий қудрат, куч, фантазия, сеҳр, жоду, диний-мистик мотивлар учрамайди. Демак, “Тўмарис” ҳақидаги асарнинг жанрий муаммосини ҳал қилиб олган эканмиз, унинг Геродот манбасини таҳлил этсак ва унинг бадий-эстетик жиҳатларини белгилаб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнинг тадқиқотимиз учун зарур бўлган Тўмарис исми 205 хабарда келтирилади: “Массагетларнинг маликаси марҳум подшоҳнинг рафикаси эди. Уни Томирис (Жасоратли) дейишарди. Унинг ҳузурига Кир унга уйланиш таклифи билан элчиларини юборади. Бироқ Томирис Кир маликани эмас, балки массагетлар ҳукмдорлигини кўзлаётганини тушунади ва рад жавобини беради. Шунда Кир мақсадга етишиш учун ўзининг айёрона режаси иш бермагач, массагетлар билан очик уруш қилишга ўтади. Шоҳ Ўқуз (Амударё) дарёсидан кечиб ўтиш учун кўприкдан иборат кўприк, кемаларга эса миноралар қуришни буюради (кўприк, кейинчалик, Шимолдаги қўшинни жанубнинг серҳосил ерлари билан боғлаб туриш учун ҳам зарур эди)”.⁵

Келтирилган парчага диққат қилинса, унда Тўмарис исми Томирис шаклида берилади. Иккинчидан малика эри вафот этгач, массагетларга ҳукмдорлик қилиш унга қолгани ёзилади. Учинчидан, Тўмарис доно ва зийрак эканлиги кўрсатилади. тўртинчидан, душман ҳам узоқни кўзлаб иш қиладиган, қудратли ҳарбий қурилмаларга эга эканлиги кўрсатилади. Демак, бўлажак уруш Лидия,

¹ Геродот. История. Перевод и примечания Г.А.Стратановского. Л., «Наука», 1972, с. 5–6.

² Шу манба. 11-бет.

³ Шу манба. 79-бет.

⁴ Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. Тошкент, «Фан», 2008, 99-бет.

⁵ Геродот. История. Перевод и примечания Г.А.Стратановского. Л., «Наука», 1972, с. 76.

Бобил, Миср, Ассирияни забт этган қудратли Кирнинг Турон мамлакатадаги шунчаки оддий юриши эмас. Олдиндан қўзланган стратегик ҳаракати эди. “Бунинг учун Кирда бир қанча асослар бор эди. Аввало, унинг туғилиши, у ўзини олий одам деб билган, иккинчидан, у омадли бўлиб, бирорта урушда енгилмаган эди”.¹ Мазкур маълумотлар ҳам Кирнинг қудратини кўрсатишга хизмат қилади. Ўз-ўзидан бундай қудратга эга кишига қарши бориш учун ва уни енгилш учун ҳам иккинчи томон бундан кам бўлмаслиги лозим.

Геродот Кир қўшинлари қўприк ва минора қуриш билан банд бўлганда, Тўмарис унга айтган гапини келтиради: “Кирнинг қўшини мазкур ишлар билан банд бўлганда, Тўмарис хабарчилар орқали Кирга қуйидагиларни етказишни буюрди: “Мидияликлар шоҳи! Бу ниятингдан қайт. Ахир бу қурилаётган қўприклар сенинг яхши кунингга хизмат қиладими йўқми, олдиндан билмайсан-ку! Бу ишингни қўйда ўз юртингга бориб, салтанатингда ҳукмронлик қилавер ва биз ўз юртимизга эгаллик қиладганимизга ҳасад қилаверма. Бироқ, сен бу маслаҳатга амал қилишни истамайсан, ўзинг истагандек йўл тутмоқчи бўлсанг, тинчликни сақлаб қололмайсан, бу ўзингга ҳавола. Агар сен массагетлар ҳужум қилишни шунчалик истар экансан, дарё устига қўприк қуришни тўхтат. Дарёдан бемалол ўтиб, биз дарёдан уч кунлик йўл узоқлашамиз. Агар сен бизни ўз ерингга киритишни истасанг, сен ҳам шундай йўл тутасан”.²

Мазкур ўринда Тўмарис икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатда адолатли йўл тутгани келтирилган экан, нутқ парчаси сифатида сўзловчининг руҳиятидаги жасорат, ўзига ишонч, одиллик бўғриб турганини кузатиш мумкин. Тўмарис ҳақидаги ривоятда ушбу парча сюжет композициясининг муҳим ҳалқаси саналади. Бу ерда тарихийлик етакчилик қилиш асарнинг таъсир доирасини кенгайтиради.

Геродот Тўмарис ҳақида келтирган ривоятда яна бир муҳим ўринга эътибор қаратиш лозим. Бу Тўмарис хабарини муҳокама қилиш учун Кир ўтказган маслаҳат кенгаши ва унда Крезнинг маърузаси бўлиб, унда Кирнинг ожизлиги ҳақида ҳеч ким айтмаган фикрни Крез гап орасида қисқичиб ўтгани берилган: “Шоҳим! Зевс мени сенинг қўлингга топширгандан кейин сенинг қудратли салтанатингга қанча қулфат келса барчасини имкон даражасида бартараф этишга ваъда қилганман. Агар ўзингни ўлмас қўшин бошидаги ўлмас одам деб билсанг, унда менинг гапларим сен учун фойдасиздир. Агар сен ўзингни одам (йўқликдан келган ва йўқликка кетади) ва одамлар устидан ҳукмдор деб билсанг, аввало, шуни билки, дунё ишлари гирдобли, битта одам ҳамма вақт ҳам омадли, бахтли бўлавермайди”.³ Крезнинг маърузасининг ушбу қисми баъзи бадий асарларда тилга олинмаган. Бундан кейин Кирнинг дарёдан ўз юртига массагетларни ўтказиб, шу ерда уларни мағлуб этса ёки этмаса нима бўлиши ҳақидаги маслаҳати ёки массагетлар юртига қадам қўйиш тўғрисидаги гаплари бадий асарларга қўчган. Бироқ юқоридаги муҳим қисм нима учундир олинмаган. Бунга таржимон ҳам Крезнинг маслаҳати тарихий аҳамиятга эга эмас, Геродот ўз фикрини ифодалаган дея изоҳ берган.⁴ Лекин бу ерда Крез ўзини енгилмас, қудратли деб билган Кир енгиллиши мумкинлигини олдиндан кўра олгандек таассурот қолдиради. Яъни, у оининг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғи, бу дунёнинг ишлари шундай яралганки, сен ҳамма вақт ғолиб бўлиб, шунга ўрганиб қолгансан, энди ғолиб чиқмаслигинг мумкин, деган фикрни ўз маърузаси таг заминига сингдириб юборган. Буни Кир ҳам тўғри тушунган ва шунинг учун ўз вориси, ўғли Камбисга агар массагетлар юртига бориб енгилса, Крезнинг маслаҳати билан иш туттишни ва унга ҳомийлик қилишни қаттиқ тайинлайди.⁵

Ривоятдаги воқеалар оқими Кирнинг тадбиркор, воқеалар ривожининг барча йўналишларига тайёр турганини кўрсатади. Демак, Кир совуққон, мард, жасур шахс бўлиб, ўз қудратига, ғалабасига ишонгани ҳолда, енгиллишни, ўлимни ҳам бўйнига ола билади. Шу ерда Кир характери очилган. Бадий асарларда Тўмарис образига урғу берилган ҳолда, Кирнинг бундай фазилатларига, сюжетдаги ана шундай муҳим компонентга (Крез нутқи, Кир ва ўғли ўртасидаги суҳбатга) у қадар диққат қилинмаган. Ваҳоланки, мазкур деталлар асар бадийятини очишга хизмат қилади. Чунки Крез ҳам тарихий шахс бўлиб, Кир босиб олгунга қадар Лидияга шоҳлик қилган, кейин Кирга мас-

¹ Шу манба. 76-бет.

² Шу манба.

³ Шу манба. 76 – 77-бетлар.

⁴ Шу манба. 77-бет.

⁵ Шу манба.

лахатчи, Кирдан кейин ҳам унинг ўғли Камбисни қўллаб-қувватлаган, Мисрга юришида маслаҳатчилик қилади. Бир неча бор ўлимдан қочиб қолган айёр сиёсатчи ҳисобланади.

Крезнинг келтирилган нуткида яна бир муҳим жиҳат борки, бу ҳам олим сифатида Крез узоқни кўра олишига ишора қилади. Бу унинг Кир ва Тўмарис имкониятларини ўзаро солиштиришида кўринади. Агар душман биз томонга ўтсаю уни енгсанг, бу ғалаба катта аҳамиятга эга бўлмайди, агар борди-ю, улар енгсалар, орқаларига қайтиб кетишади, мамлакатни вайрон қилишмайди, деб ҳеч ким кафолат бермайди. “Мен сенинг ва унинг имкониятларини солиштирмоқчиман... аёл кишига енгилиш ва унга мамлакатингга бостириб кириш имконини бериш чидаб бўлмас шармандалиқ бўлар эди. Шунинг учун биз нима учун дарё кечиб ўтиб, массагетлар юрти ичкарисига кирмаслигимиз керак”.¹ Кир қанчалик қаҳрли, золим бўлмасин, у Крезнинг мулоҳаза юритишини жим туриб эшитишади. Бу, биринчидан, ундаги ақл ва ирода кучига ишора қилса, иккинчидан, у зарур пайтда бошқаларни эшитишни билар эди. Мазкур фазилатлар ҳам Тўмарис фазилатларини янада юксаклигини намоён этишга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Геродот сюжет композициясига туш детални ҳам қўшган ва бу билан Кирнинг руҳий ҳолатини теран очишга ҳамда воқеалар оқимининг бадий жозибасини таъминлашга эришган. Зеро, “туш кўриш ҳақиқатдан ҳам маънога эга ва турли муаллифлар таъкидлаганидек, мия фаолиятининг кучсизланиш аломати эмас. Бизнинг талқинимизга кўра, туш кўриш истакнинг амалга ошиши ҳисобланади”.²

Демак, туш инсон истагининг, натижасидан қатъий назар, амалга оширилишини англатади. Шундан келиб чиқсак, Кир ҳам тушида Гистасп (Г.–Зардушт тарафдорларидан бири, Марғиёнадаги халқ ҳаракати раҳбарларидан бири)нинг катта ўғлини кўради. “Гистаспнинг Арсамадан (ахамонийлар сулоласидан Дарий авлодидан) бўлган катта ўғли, йигирма ёшлар атрофидаги ўсмир (у ҳарбий хизматга қақариш ёшига етмагани учун Форс юртида қолган эди) елкасида қаноти бўлиб, бир қаноти Осиёга, иккинчиси билан эса Европага соя солиб турарди”.³

Бу ерда кизик бир ҳолат бор, яъниким, қадимдан подшоҳ, улуг саркарда, йирик олим ёки танikli шахслар тушларига айрича қараш одати бўлган. Хусусан, Бобурнинг Карнон сойи бўйидаги қисқа туши ва унда Хожа Аҳрорнинг невараси Хожа Яъқуб унинг халос топишидан хабар бергани билан боғлиқ ибратли воқеа қайд этилган.⁴

Мазкур ўринда туш орқали Кирнинг тақдири ва маълум шахзода тахтга чиқиши, сўнгра Доронинг ҳокимиятга келишини башорат сифатида берар экан, муаллиф, Кирнинг инқирози яқинлигини, Тўмарис ғалаба қозониши аниқ эканлигини кўрсатган. Бу асарнинг энг таъсири жойларидан бири бўлиб, у салмоқли бадий-эстетик вазифага эга. Муаллиф тушдан бадийлик модули сифатида фойдаланиб, туш орқали ифодаланган мазмунни асар савиясини оширишга хизмат қилдира олган. Чунки тадқиқотчи туш ва Тўмарис ҳақидаги воқеаларни таққослар экан, ундаги ассоциациявий фикрлаш механизми ишга тушиб, асар доирасига структурага кирмай қолган қатор воқеалар занжири ҳам жалб этилади. Натижада ривоятнинг ички структураси кенгайди. Яъни, Кирдан кейин унинг авлодларидан ҳокимиятни олган Доро ва унинг салтанат сарҳадларини кенгайтириши билан боғлиқ ишларига бевосита мазкур тушнинг алоқаси юзага чиқади.

Геродот шу ерда тарихий воқеаларни қайта идрок қилар экан, психологик қарашларга ҳам ишонган ҳолда ўз асарига туш ва ундан кейин Гистасп қақиртириб, юртига қайтиб бориб, ўғлини назорат қилишга ундаши билан боғлиқ сюжетни ҳам киритган, чунки “Тушда шартлилик мавжуд. Шартлилик поэтик санъат табиатига хос хусусият. Тушдаги образлар таъбири, улардан келиб чиқувчи мазмун ҳам шартлилик асосида юзага келади. Бу эса тушдаги образлар поэтик санъатларга уйғунлигини кўрсатади”.⁵ Демак, “Тарих” асари тарихий-бадий асар дейишса бўла оладиган ўринларга эгаллиги шу ерда яна бир бор исботланган. Геродот туш ёрдамида Кирнинг руҳиятини ҳам очган ва Кирнинг массагетлар маликаси бошчилигидаги жангда мағлуб бўлиши Яратганнинг иродаси бўлганидек Доронинг тахтга чиқиши ҳам фақат унга боғлиқ деган акидавий мулоҳазани кўрсатган. Кир эса туш таъбирида ўз ўлимига қилинган ишорага эътибор қилмайди. “Шундан

¹ Шу манба.

² Фрейд З. Психопатология обыденной жизни. Толкование сновидений. Пять лекций о психоанализе (сборник). Москва, «Эксмо», 2015, с. 23. http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=17038444

³ Геродот. История. Перевод и примечания Г.А.Стратановского. Л., «Наука», 1972, с. 77 – 78.

⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент, “Шарқ”, 2014, 283 – 285-бетлар.

⁵ Эшонқул Жаббор. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. Тошкент, “Фан”, 2011, 226-бет.

кейин Кир ўз қўшини билан дарё бўйидан бир кунлик йўл юриб, Крез маслаҳати бўйича иш тутди: кучсизроқ жангчиларидан бир қисмини қолдиради, ўзи эса сараланган асосий қўшин билан яна Аракс бўйига қайтади. Шунда массагетларнинг учдан бир қисмлиқ қўшини Кир қолдирган қўшинга ҳужум қилади ва кучли қаршилиққа қарамай, ҳаммасини қириб ташлайди. Ғалабадан сўнг қароргоҳдаги тузалган дастурхонни кўриб, массагетлар зиёфат қилишга ўтиришади. Тўйгунча овқатлангач, винолардан сархуш бўлиб, ухлагани ётишди. Шу пайт форслар келиб, уларнинг кўпини қириб ташлади ва яна анчасини асир олди. Асирлар орасида массагетлар йўлбошчиси Тўмариснинг Спарганис исмли ўғли ҳам борди”.¹ Келтирилган 211 хабар деярли барча манбаларга киритилган ва адабий асарлардан муҳим ўринни эгаллаган. Бироқ унда массагетларнинг қўшинига Спарганис раҳбарлик қилгани ва улар оз сонли дейилади. Аслида, Геродотда Спарганис раҳбар эканлиги айтилмаган. Масса-гет жангчиларининг сони умумий қўшиннинг учдан бири, тахминан, 1 000 дан 333 деб берилади.

Демак, бу ҳам кичик миқдор эмас. Бу ерда яна бир муҳим жиҳат массагетларнинг айёрлик билан тайёрланган зиёфатга ишонишлари ҳисобланади. Массагетлар иктисодий тараққиётда форслардан кейинроқ туради, деб кўрсатилган. Бироқ қаттиқ қаршилиққа қарамай, душманни енгишида, улар кўрқмас, жасоратли жангчилар эканлигини кузатиш мумкин. Фақат хушёрликни бой беришгани, бу уларнинг сархуш қиладиган ичимликлар ичиш одати бўлмагани, зиёфатга алданиш мумкинлиги ҳақидаги тушунчага эга эмасликлари уларнинг кўнгли тоза, самимий эканликларидан далолат беради. Келтирилган воқеа умумий композицияда туб бурилиш ясаган бўлиб, Тўмарис образининг Кирга нисбатан иккинчи марта огоҳлантириш хабарини юборишига сабаб бўлади. 212 хабарда бу ҳақда тўлароқ баён этилган. Унда Тўмариснинг она, саркарда ва ватанпарвар сифатидаги қатъияти, иродаси, душманга алами намоён бўлган. Геродот мазкур монологик нутқни келтирар экан, бир шахс руҳиятидаги қудратни кўрсата билган.

Геродот Тўмарис ва Кир қўшини ўртасидаги жангни таърифлар экан, ўзининг бу халқларга нисбатан позициясини ҳам ифодалайди. Яъни, бу жанг варвар (ёввойи, маданиятсиз)лар ўртасидаги энг дашхатли жанг, дея баҳолайди:

Тўмарис Кир ўзининг маслаҳатига кирганини билгач, бутун қўшини билан форслар устига юриш қилди. Менимча, бу жанг варварлар ўртасидаги барча жангларнинг энг дахшатлиси бўлган. Унинг бориши ҳақида мен қуйидагиларни билдим: айтишларича, дастлаб, рақиблар бир-бирларига юзма-юз туриб узокдан ёйдан ўқ отишди. Кейин камон ўқлари тугагач, найза ва қилич билан жанг қилишди. Жанг узок давом этди. Ҳеч ким чекинишни истамасди. Ниҳоят, массагетлар ғалаба қозонишди. Деярли барча форс қўшини жанг майдонида йиқилди, Кир (У 29 йил тўлиқ ҳукмронлик қилди) ҳам ўлди. Тўмарис бўлса винодан бўшаган мешни одам қони билан тўлдирди ва ўлган форслар орасидан Кирнинг танасини топишни буюрди. Унинг жасадини топишгач эса малика унинг бошини мешга тиқишни буюрди. Кейин эса “сен менинг ўғлимни айёрлик билан енгиб, менга қулфат олиб келдинг, мен тирик қолиб сени жангда енгдим. Мана энди сени қонга тўйдираман”.²

Тўмарис ҳақидаги тарихий ривоят шу ерда тугайди. Бу ерда биз деярли барча манбаларда келтирилган, мардоновор нутқ, ваъданинг бажарилишини, бу орқали эса Тўмариснинг йирик тарихий шахс, қатъиятли аёл бўлганини кузатамиз. Бежизга унинг характеридаги ирода кейинги давр жаҳон адабиёт намуналарига таъсир этмаганига исбот бор.

Келтирилган парчадан массагет (Геродот массагет – масью – балиқ овловчи одамлар, деган фикрни илгари суради – Ф.И.) скифларга ўхшаб кийиниши, уларга ўхшаб турмуш кечириши, хатто қўшини ўхшашлигини, яъни, отлик ва пиёда ҳолда, одатда, қилич ва найза билан жанг қилишини таъкидлайди. Аммо барча кийимлари олтин ва мисдан эди, олтин бу ерларда жуда кўп, темир эса камёб деган фикрни билдиради. Мазкур фактлар эса массагетлар сув ҳавзаси яқинида, ёки дарё ва денгиз бўйида яшашлари, улар яшаган текислик ҳам қачонлардир денгиз ёки дарё ўрни бўлганини билдирса, темир деярли йўқлиги, демак, бу ерларда тоғ (темир рудаси тоғда бўлади-да) йўқлигини англатади.

Демак, Геродот, Каспий денгизидан Шарқ томонда деганда ҳозирги Турманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон ҳудудларига қирувчи Орол денгизи бўйлари ва қадимги Хоразм ерларини назарда тутган (Бу ҳақда “Тарих” китоби охирида Геродот харитасида ҳам қайд этилган) Мазкур жойларда

¹ Геродот. История. Перевод и примечания Г.А.Стратановского. Л., «Наука», 1972, с. 78.

² Шу манба. 79-бет.

эса қадимдан туркийлар яшаб келган ва Тўмарис тарихий ривояти туркийлар, жумладан, ўзбек адабиёти тарихидан намуна сифатида олинishi керак.

“Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари” китоби тузувчилари Тўмарис тарихий ривоятини “афсона” деб беришлари, биринчи гапни қўшишганлари ва “Тўмарис” хабарининг охириги гапини тушириб қолдиришганини инобатга олмасак, Геродот келтирган тарихий ривоятни тўлиқ сақлашган. Бу ерда тадқиқотчиға “аввалдан маълум ривоятни келтириш шарт эмас эди”, “ривоятнинг ўзбек тилидаги биринчи гапи тўғри” каби эътироз билдиришлари ҳам мумкин. Н.Раҳмон тузган асарда воқеалар узилиши мавжуд.¹ Иккинчидан, юқоридаги Н.Раҳмон ва Ҳ.Болтабоевлар тузган манбада Тўмарис тарихий ривоятининг биринчи гапи (“Энг қадимги замонларда Аракс ёқаларида Ўрта Осиё аҳолисиға мансуб массагетлар яшар эди”) асл манбада йўқ.² Лекин унинг мазмуни сал бошқа-чароқ тарзда ифодаланган. “Тарих”да охириги гап эса тушириб қолдирилган. Айнан тушириб қол-дирилган гапда Геродот Кир ва Тўмарис ўртасидаги воқеаларни ҳикоя деб қайд этган. Бу эса асар жанри оғзаки ҳикоя эканлигини билдиради.

Демак, Тўмарис ҳақидаги асар тарихий ривоят жанрида бўлиб, асарни ўрганиш жараёнида баъзи тушунмовчилик, турлича талкин ва изоҳ талаб ўринлар юзага келмаслиги учун қадимги юнон тилидан рус тили амалға оширилган таржима (Г.А.Стратановский)дан фойдаландик. Натижада мазкур асарнинг жанрини турлича атаб, белгилаб келган олимларнинг фикрларини муаллиф фикри билан солиштириб, воқеанинг мантикий асосидан келиб чиқиб, тарихий ривоят деган хулосаға келинди. Бу эса тарихий воқеликни бадий идрок этиш, аниқ шакл ва мазмунға туширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жабборов Эшназар (ТерДУ ўқитувчиси)
МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ТАФАККУР ИНҚИЛОБИ ВА ЖАДИДЧИЛИКНИНГ
МАЪРИФАТ ҚАРАШЛАРИ

Аннотация. Ўзбек маърифатчилик ҳаракати қадимчилик, яъни диний ақидапарастликнинг жаҳолат йўли, миллат учун хатарли йўл эканини халққа тушунтириш. Маърифат ва мафкура соҳасидаги амалий фаолият. Ўзбек миллий драматининг равнақи.

Аннотация. В статье речь идет об узбекском просветительском движении, догматическом мышлении, религиозном невежестве, о путях разъяснения народу опасности для нации религиозного фанатизма, о практической деятельности в области просвещения и идеологии, о процветании узбекской национальной драмы.

Annotation. The mission of Uzbek educational movement is to explain to the people that religious fanaticism (Zadidism) is the dangerous way of ignorance for nation. Practical activities in the field of education and ideology. Development of the Uzbek national drama.

Калим сўзлар: маърифатчилик ҳаракати, диний ақидапарастлик, янги адабиёт, мусулмон драма санъати. Бехбудий, “Ибротхона”.

Ключевые слова: просветительское движение, религиозный фанатизм, новая литературная мусульманская драма, Бехбудий “Ибротхона”.

Keys words: sciencse of antiquity in education act, Religious fanaticism, new literature Muslim Drama art, Bexbudiy, “Ibratxona”.

Маърифатчилик ҳаракати қадимчилик, яъни диний ақидапарастликнинг жаҳолат йўли, миллат учун хатарли йўл эканини халққа тушунтириш мақсадида майдонға чиқади. Шу мақсад йўлида улар маърифат ва мафкура соҳасида ҳам назарий, ҳам амалий фаолият олиб бордилар. Қадимчилар, яъни диний маърифатчиларни назарий жиҳатдан енгмокчи бўлдилар. Лекин маърифатли зиёлилардан иборат ҳаракатни бу соҳада енга олмасликлариға уларнинг кўзлари етди. Дунёда кўп марта такрорланган ҳодиса, ақидапарастликнинг диний, назарий тортишувларида енгилиши ва зўравонликка ўтиши Туркистонда ҳам қайтарилди. Ақидапастлар энди қарши террор йўлиға ўтдилар.

Октябрь тўнғариши арафаси ва ундан кейинги дастлабки йиллар ақидапарастларнинг маъ-

¹ Қадимий ҳикматлар. Тузувчи: Н.Раҳмонов. Масъул муҳаррир А.Қаюмов. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 11–13-бетлар.

² Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд. Тузувчилар: Н.Раҳмон, Ҳ.Болтабоев. Т., «Фан», 2003, 18-бетлар.

MUNDARIJA

21-OKTABR – O‘ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN

Primov Azamat. Davlat tili – millat va davlat tayanchi.....	3
---	---

MATEMATIKA

Matyoqubov Ollabergan, Rozzaqov Temurbek. Koeffitsiyentlari kompleks qiymatli bo‘lgan dirak operatorlarining bitta sinfi uchun xill diskriminanti.....	6
Дажанов Аиназар Шынназарович. Методические изложения элементов теории обобщенных функций.....	11

FALSAFA

Қурбанов Жамшид Джураевич. Марказий Осиё мутафаккирлари илмий меросининг тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги фалсафий қарашлари.....	26
Мамаюсупов Умид Қурбоневич. Ҳозирги давр фани ва замонавий фалсафа тараққиётида илмий башорат муаммоси.....	30
Султанова Гулноза Сабиrowна. Креативлик, ижодиёт ва нораціоналлик.....	32
Эргашев Улугбек Адхамович, Умурзаков Ахмаджон Махаматович. Динлараро бағрикенглик ғоясининг ҳуқуқий-ахлоқий асослари.....	35
Негматова Шахзода Шухратовна, Исакова Шахло Исмоиловна. Ўзбекистонда диний туризмнинг ҳуқуқий асослари.....	37
Қаххорова Матлюба Манововна, Юлдашев Серобжон Ўрмоналиевич. Ижтимоий-маданий технологиялар ва маънавий ҳаёт уйғунлиги.....	40
Шодиев Жаҳонгир Жўрақулович. Умар Хайёмнинг асосий асарлари ва рубоийларининг тузилиши, мазмуни ва таҳлили.....	44
Juraeva Nigora Avazovna. Geographical and Technical Patterns as Ontological and Epistemological Patterns of the Development of the Paradigm of Civilizations.....	47

TILSHUNOSLIK

Қосимова Мадина Зайнобидиновна. XXI аср тилшунослигининг ютуқлари ва замонавий тилшуносликда фрейм ва гештальт масаласи.....	51
Tursunaliyeva Muslimabonu Abduvosit qizi. “Kitobu Bulgat al-Mushtak fi lugat at-turk va-l-qifchaq” asarining manbashunoslik tadqiqi.....	54
Ahmedova Hikmatxon. Сўз морфем таркибининг шакл ва маъно номутаносиблигига муносабати масаласига доир.....	56
Шаропова Раъно. Терминологик изохли луғатда терминни изохлаш масаласи.....	59
Kurbonova Ozoda. Lexico-semantic Features of Uzbek-English Anthroponyms.....	62

ADABIYOTSHUNOSLIK

Икромхонова Феруза. Тарихий асос ва жанрий муаммо.....	65
Жабборов Эшназар. Миллий уйғониш тафаккур инқилоби ва жадидчиликнинг маърифат қарашлари.....	70
Ражабова Раъно Зариповна. Адабий топишмоқларда халқ топишмоқларига хос жанрий белгиларнинг ифодаси.....	74
Rahimova Bekposhsha. Bugungi adabiy jarayonda xorazmlik yosh shoirlarning o‘rni.....	79

PEDAGOGIKA

Рашидов Анваржон Шарипович. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор тажрибалар.....	83
Қамбаров Мухриддин Зухридиневич. Техника олий таълим муассасаларида “олий математика”дан дарс машғулотлари ташкил этилишининг бугунги ҳолати.....	86
Исмаилова Шамсия Курултаевна, Бекпулатова Шахло Шодиковна, Чупанова Қувончой. Замонавий мактаб бошқарувида ижтимоий тадқиқотлардан фойдаланиш.....	92